

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

2016 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 декабрдаги 362-сон қарори) 34-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 15 декабрдаги 362-сонли қарорини ижро этиш юзасидан, фермер хўжалиklarини юритиш учун ер участкалари бериш ва уларни олиб қўйиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 декабрдаги 362-сон қарори) 34-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

б) Вазирлик ва идораларга бир ой муддатда ўз идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хожаметов), туман ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарор ижросини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибияти (Қайпов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Хожаметов) зиммаларига юклатилсин.

Қарақалпақстан Республикасы
Министрлер Кеңеси баслығы

Б.Янгибаев

Вазирлар Маҳкамасининг 2016
йил 10 февралдаги 34-сон
қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й, 10-сон, 105-модда) билан тасдиқланган Ер участкаларини фермер хўжалиklarига узок; муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 15-банди қуйидаги тахирда баён қилинсин:

«15. Туман ҳокими аризаларни туман фермерлари кенгашига юборади.

Туман фермерлари кенгаши икки кун мобайнида аризаларни кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқаради.

Туман фермерлари кенгашининг хулосаси аризалар билан биргаликда ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясига юборилади, Комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказади.

Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг таркибига ер ресурслари ва давлат кадастри, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура ва қурилиш, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари вакиллари, шунингдек туман фермерлари кенгашининг раиси ва бошқа

шахслар киритилади.

Ер майдонларини бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг қарори протокол билан расмийлаштирилади ва барча ҳужжатлар, шу жумладан туман фермерлари кенгашининг хулосаси билан биргаликда кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига юборилади.

Халқ депутатлари туман кенгаши энг яқиндаги сессияда ер участкалари бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади, ушбу қарор туман ҳокимига юборилади.

Туман ҳокими халқ депутатлари туман Кенгашининг ижобий қарори асосида уч кун мобайнида фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тугрисида қарор чиқаради ва уч кун муддатда ушбу қарорни тасдиқлаш учун вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер майдонларини бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясига юборади. Бунда туман ҳокимининг қарорига туман фермерлари кенгашининг хулосаси, ер майдонларини бериш (реализация килиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг қарори, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори илова қилинади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 6-модда) билап тасдиқланган Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тугрисидаги Низомда:

а) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги «тегишли хулосани олиш учун Комиссияга» сўзлари «туман фермерлари кенгашига» сўзлари билан алмаштирилсин; куйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешичи хатбошилар қушилсин:

«Туман фермерлари кенгаши икки кун мобайнида аризаларни куриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқаради.

Туман фермерлари кенгаши хулосаси аризалар билан биргаликда тегишли хулосани олиш учун Комиссияга юборилади»;

б) 5-бандда:

биринчи жумладаги «ва тегишли хулоса чиқаради» сузлари чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар қушилсин:

«кўриб чиқиш натижалари бўйича Комиссия қарор қабул қилади, ушбу қарор протокол билан расмийлаштирилади ва барча ҳужжатлар, шу жумладан туман фермерлари кенгашининг қарори билан биргаликда кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига юборилади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши энг яқиндаги сессияда Комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади. Ушбу қарор туман (шаҳар) ҳокимига юборилади»;

в) 6-банддаги «Комиссиянинг ижобий хулосаси» сўзлари «халқ депутатлари туман Кенгашининг ижобий қарори» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 17-банддан «туман фермерлари кенгаши билан келишилган» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 18-22-бандлар куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«18. Туман (шаҳар) ҳокими уч кун муддатда барча ҳужжатлар ва материалларни туман фермерлари кенгашига юборади.

Туман фермерлари кенгаши икки кун мобайнида ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқаради.

Туман фермерлари кенгашининг хулосаси ҳужжатлар ва материаллар билан биргаликда тегишли хулосани олиш учун Комиссияга юборилади.

19. Далолатномада кўрсатилган ҳолатлар тасдиғини топмаган ва (ёки) асосланмаганлиги аниқланган тақдирда, Комиссия мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташқилотлар)нинг тақдимномасини қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиб, туман (шаҳар) ҳокими ва кўрсатилган органлар (ташқилотлар)га билдиришнома юборади ва киритилган ҳужжатларни қайтаради.

20. Далолатномада кўрсатилган ҳолатлар тасдиғини топган тақдирда, Комиссия бир ҳафта муддатда тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни таҳлил қилиш асосида ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёхуд унинг майдонини мақбуллаштириш тўғрисида хулоса тайёрлайди, ушбу хулоса барча ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига юборилади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши энг яқиндаги сессияда Комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади, ушбу қарор Комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокимига юборилади.

21. Туман (шаҳар) ҳокими халқ депутатлари туман Кенгашининг ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер майдонини мақбуллаштириш тўғрисидаги қарори асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорини, Комиссиянинг хулосасини, туман фермерлари кенгашининг хулосасини, далолатномани ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги раҳбари билан ер участкасини ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарига таклиф киритади.

Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги таклиф фермер хўжалиги раҳбари томонидан рад этилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384- моддасида белгиланган муддатда жавоб олинмаганда туман (шаҳар) ҳокими, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорини, Комиссиянинг хулосасини, туман фермерлари кенгашининг хулосасини далолатномани ва бошқа зарур ҳужжатлар ва материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер участкасини

ижарага бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига даъво аризасини юборади,

22. Ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан даъво аризаси қондирилиши хўжалик суди томонидан рад этилган тақдирда туман (шаҳар) ҳоқими ушбу Низомнинг 14-бандида курсатилган органлар (ташкilotлар)нинг тақдимномасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига, туман фермерлари кенгашига, Комиссияга ва тегишли органларга (ташкilotларга) билдиришнома юборади ва киритилган материалларни қайтаради;

е) 1-илованинг матни куйидаги тахрирда баён қилинсин:

Ихтиёрийлик асосида фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддати
1-босқич	Фермер хўжалиги раҳбарлари томонидан унга ижарага берилган ер участкаси майдонини камайтиришни назарда тутувчи ихтиёрийлик асосида туман (шаҳар) ҳоқимига ариза тақдим этилиши.	Фермер хўжалиги раҳбари	Қарор қабул қилинган кунда
2-босқич	Фермер хўжалиги раҳбарлари аризаси асосида хужжатларни туман фермалари кенгашига тақдим этиш.	Туман (шаҳар) ҳоқими	Ариза тақдим этилгандан сўнг уч кун муддатда
3-босқич	Туман фермерлари кенгаши аризаларни кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқаради. Туман фермерлари кенгашининг хулосаси аризалар билан биргаликда тегишли хулосани олиш учун Комиссияга юборилади.	Туман Фермерлар кенгаши	Ариза тақдим этилгандан сўнг икки кун муддатда
4-босқич	Комиссия тақдим этилган хужжатлар асосида фермер хўжалигининг ер участкаси майдони ихтиёрий мақуллаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Бунда Комиссия фермер хўжалигига бириктирилган ер участкасини яхлиткўриб чиқади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича Комиссиянинг қарори протокол билан расмилаштирилади ва барча хужжатлар, шу жумладан туман фермерлари кенгашининг хулосаси билан биргаликда кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига юбарилади.	Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси	Хужжатлар тақдим этилгандан сўнг бир ҳафта ишида
5-босқич	Халқ депутатлари туман Кенгаши энг яқиндаги сессияда Комиссия томонидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади, ушбу қарор туман ҳоқимлигига юбарилади.	Халқ депутатлари туман Кенгаши	Сессия утказилгандан кейин уш кун муддатда
6-босқич	Халқ депутатлари туман Кенгашининг ижобий хулосаси асосида фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.	Туман (шаҳар) ҳоқими	Ижобий хулоса тақдим қилингандан сўнг бир ҳафта муддатда
7-босқич	Туман (шаҳар) ҳоқимининг фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарорини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясига (Қорақапоғистон Республикаси Комиссиясига) юбориш.	Туман (шаҳар) ҳоқими	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунмуддатда.
8-босқич	Туман (шаҳар) ҳоқимининг фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарорини кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорни тасдиқлаш (рад этиш).	Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси (Қорақапоғистон Республикаси Комиссиясига)	Ўн кун муддатда
	Туман (шаҳар) ҳоқимининг фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарори Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси (Қорақапоғистон Республикаси Комиссиясига) томонидан тасдиқланган тақдирда туман (шаҳар) ҳоқими билан фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер участкаларини узоқ муддатга ижарага бериш шартномасига ўзгартиришлар белгиланган тартибда расмилаштирилади.		
9-босқич	Туман (шаҳар) ҳоқимининг фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш тўғрисида қарори Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси (Қорақапоғистон Республикаси Комиссиясига) томонидан рад этилган тақдирда туман (шаҳар) ҳоқими фермер хўжалиги раҳбарининг ихтиёрийлик асосида мақбуллаштириш юзасидан берган аризасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Туман (шаҳар) ҳоқими	Қарор тасдиқлангандан сўнг бир ҳафта муддатда

ж) 2-илованинг матни куйидаги тахрирда баён қилинсин:

Фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилишининг, шунингдек хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш ва уни

тугатиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Масъуллар	Муддати
1-босқич	Фермер хўжалиги томанидан шартнома интизоми ва қануншилик нормалари бузилиши, шунингдек хўжалик фаолиятининг самарасиз юритилишини аниқлаш.	Низомнинг 14-бандидакўрсатилган тегишли органлар	Иш режага мувопиқ
2-босқич	Қонунчилик нормалари бузилиши ҳолатларини тастиқлайдигин зарур ҳужжатлар ва материаллар илова қилинган ҳолда далолатнома тузилади ва у мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатиб ўтилган органлар (ташкilotлар)вакиллари ва фермер хўжалиги раҳбарлари томанидан имзоланади.	Фермер хўжалиги раҳбарива Низомнинг 14-бандида кўрсатилган тегишли органлар	Қонунчилик нормалари бузилиши аниқланган кунда.
3-босқич	Далолатнома асосида мазкур низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкilotлар) далолатномани ҳамда зарур ҳужжатлар ва материалларни илова қилган ҳолда тегишли таҳдимномани туман (шаҳар) ҳокимиға юбардилар.	Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар.	Бир кун муддатда.
4-босқич	Туман (шаҳар) ҳокими барча ҳужжатлар ва материалларни туман фермерлар кенгашиға тақдим этади.	Туман (шаҳар) ҳокими	Далолатнома киритилган кундан бошлаб уч кун муддатда.
5-босқич	Туман фермерлари кенгаши ҳужжатлар ва материалларни кўриб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқаради. Туман фермерлари кенгашининг хулосаси ҳужжатлар ва материаллар билан биргаликда тегишли хулосани олиш учун Комиссияға юбарилади.	Туман фермерлари кенгаши	Икки кун мобайнида
6- босқич	Далолатномада кўрсатилган ҳолатлар тасдиғини топмаган ва (ёки) асосланмаганлиғи аниқланган тақдирда, Комиссия мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкilotлар)нинг тақдимномасини қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиб, туман (шаҳар) ҳокимиға ва кўрсатилган органлар (ташкilotлар)ға билдиришнома юборади ва киритилган ҳужжатларни қайтаради. Далолатномада кўрсатилган ҳолатлар тасдиғини топган тақдирда Комиссия бир ҳафта муддатда тақдим этилган ҳужжатлар ва материалларни таҳлил қилиш асосида ер участкасини ижараға бериш шартномасини бекор қилиш тўғрисидағи ёхуд унинг майдонини мақбуллаштириш тўғрисида хулоса тайёрлайди, ушбу хулоса барча ҳужжатлар билан биргаликда кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашиға юбарилади.	Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси	Уч кун мобайнида
7- босқич	Халқ депутатлари туман Кенгаши энг яқиндағи сессияда Комиссия томанидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади, ушбу қарор Комиссия томанидан тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда туман (шаҳар) ҳокимлиғиға юбарилади. Туман (шаҳар) ҳокими халқ депутатлари туман Кенгашининг ер участкасини ижараға бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд ер участкасини мақбуллаштириш тўғрисидағи хулосаси асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорини, Комиссияни хулосасини, туман фермерлар кенгашининг хулосасини, далолатномани ва бошқа зарур ҳужжатлар ва материалларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги раҳбари билан ер участкасини ижараға бериш шартномасини бекор қилиш ёхуд унинг ер майдонини мақбуллаштириш юзасидан фермер хўжалиги раҳбарига таклиф юборилади.	Халқ депутатлари туман Кенгаши	Сессия ўтказилгандан кейин уш мобайнида
8-босқич	Фермер хўжалиги раҳбари томанидан шартнома бекор қилиш таклифи қабул қилинган тақдирда туман ҳокими фермер хўжалиги ер участкасини захираға олиб қўйиш ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Туман (шаҳар) ҳокими	Хулоса таҳдим этилгандан сунг уч кун муддатда
9-босқич	Шартномани бекор қилиш тўғрисидағи таклиф фермер хўжалиги раҳбари томанидан рад этилганда ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 384-моддасида белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда туман (шаҳар) ҳокими қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорини, Комиссиянинг хулосасини , туман фермерлар кенгашининг хулосасини, далолатномани, бошқа зарурҳужжатлар ва материялларни илова қилган ҳолда фермер хўжалиги билан ер участкасини ижараға бериш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судиға даво аризаси юборади.	Туман (шаҳар) ҳокими	30 кунлик муддатда

	Ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан даво аризасини қондириш хўжалик суди тоمانидан рад этилган тақдирда туман (шаҳар) ҳоқими мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган органлар (ташкilotлар) таҳдимномасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Туман (шаҳар) ҳоқими	Уч кун муддатда
10-босқиш	Даво аризаси хўжалик суди тоمانидан қондирилган ва суд қарори қануний кучка кирган тақдирда туман (шаҳар) ҳоқими ер участкасини заҳирага олиб қуйиш ва фермер хўжалигини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.	Туман (шаҳар) ҳоқими	Бир ҳафта муддатда
11-босқиш	Тугатилган фермер хўжалигининг ер участкаси олиб қўйилади ва кейиншалик қанун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа талабгорларга танлов асосида берилади.	Ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси	Туман (шаҳар) ҳоқимининг қарори кушга кирган кунда

Ko'rib chiqildi:

- 
- 
- 

- [Vazirlar Kengashi](#)
- [Statistik va tahliliy ma'lumotlar](#)
- [Vazirliklar va idoralar](#)
- [Shahar va tuman hokimliklari](#)
- [Hujjatlar](#)
- [Respublika mehmonlariga](#)
- [Elektron hukumat](#)
- [Interaktiv davlat xizmatlar](#)